



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

www.maturidiyjournal.uz

+998971 244-35-36
 @moturidiyuz

www.moturidiy.uz
info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK

الماطريدييـة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Масъул муҳаррир:

Зафар Фахриддинов,

Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

“Мотуридийлик” журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) 4

Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари 13

Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби 20

Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти 28

ДИНШУНОСЛИК

Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил 36

Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши 46

Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили 55

Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич 63

ИСЛОМ ТАРИХИ

Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) 70

Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи 80

Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида 87

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари 94

Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти 104

Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари 112

Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит 122

Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari 130

Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi 137

Shukrullo R. JURAYEV,
*International Islamic Academy of Uzbekistan,
Researcher of the Imam Maturidi International
Scientific Research Center, PhD.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: jurayev1982@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/6

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙ АСАРЛАРИДА ТИНЧЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ

THE REFLECTION OF THE PRINCIPLES OF PEACE IN THE WORKS OF MUHAMMAD SHAIBANI

ОТРАЖЕНИЕ ПРИНЦИПОВ МИРА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ МУХАММАДА ШАЙБАНИ

КИРИШ

Уруш пайтида халқаро муносабатлар, табиийки, унда бир-бирига қарши бўлган томонлар ўртасидаги алоқаларга таъсир қиласди. Ҳар бир томон ёки гурух бир-бирини душман сифатида қабул қилиб, ғалаба ва устунликка эришиш учун уни мағлуб этишга ҳаракат қиласди. Душманни мағлуб этиш истаги томонларни энг оғир жиноятларга ундаши мумкинлигини ҳисобга олиб, куролли курашнинг воситалари ва усусларини, шунингдек, жанговар ҳаракатларнинг очилиши ва ўтказилишини қонуний тартибга солиш талаб этилади. Шу сабабли, кўплаб ҳуқук тизимларида уруш ва тинчлик масалалари муайян қоидалар асосида тартибга солинади.

Ислом ҳуқуқида ҳам халқаро муносабатлар обьекти бўлган уруш ва тинчлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳусусан, Куръони каримда келган қатор оятлар ва Муҳаммад (а.с.)-дан ривоят қилинган бир қанча ҳадисларда уруш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган. Шу билан бирга, “сияр” илми бўйича иш олиб борган факих уламолар уруш билан боғлиқ фикҳий масалаларни четлаб ўтмаган.

Бунга бир қанча обьектив ва субъектив сабаблар мавжуд. Ҳусусан,

– дин сифатида шаклланган исломни бошқа дин ва мағкуралар томонидан осонликча тан олинмагани билан боғлиқ. Чунки ислом дини

шаклланиш давридаёқ кескин қаршиликка учраган.

– Арабистон яриморолида, унинг шарқий ва ғарбий минтақаларда яшовчи уруғлар, қабилалар, ҳалқлар ва элатларнинг ҳар бирида ўз дини ва эътиқодий қарашлари мавжуд эди. Ўз навбатида уруғ-қабилачилик даврида инсонларнинг эътиқодий қарашларга ишончи кучли бўлиб, ҳаётий фаолиятни диний қарашларсиз тасаввур қилишмаган. Шу сабабли ҳам янги динни қабул қилиш, баъзи ҳолларда урушларсиз кечмаган.

– араблар ҳукумронлигига қарши ҳалифаликка бўйсундирилган ҳудудлар айрим аҳоли қатламлари томонидан кўзғолонлар, низоли вазиятлар бўлиб турган.

– араб ҳукумрон доиралари билан маҳаллий суполалар вакиллари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, маҳаллий ҳалқларнинг ўз мустақил давлатчилигини тиклаш мақсадида олиб борган миллий-озодлик ҳаракатлари оқибати ўлароқ ҳалифаликдан ажралиб чиқсан қатор мустақил давлатларнинг ташкил топиши кузтилган.

– араб ҳалифалиги таркибидаги уруғлар, қабилалар, қавмлар, исломдан бошқа динларга эътиқод қилувчилар ва хеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар билан мусулмонлар ҳамда мусулмон жамоаси билан бошқа диний жамоалар ўртасидаги зиддиятлар, уруш-жанжаллар бўлиб турган (Тошқулов, 2021). Бу эса, факихлар олдига уруш билан боғлиқ халқаро муносабатларни шаръий жиҳатдан тартибга солиш масъулиятини юклаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Факиҳлар урушларнинг олдини олиш ва имкон қадар инсоний йўқотишларни камайтириш мақсадида универсал аҳамият касб этувчи қоидаларни тасниф этганлар. Маълумки, ислом ҳуқуқида дунё “дор ал-ислом”, “дор ал-ҳарб” ва “дор ас-сулҳ”га бўлиниши ҳақидаги қарашлар мавжуд. Бу тушунчаларнинг келиб чиқиш ҳам бевосита урушларнинг олдини олиш ҳамда тинчлик ва уруш ҳолатида душман деб хисобланган томон билан алоқаларни ташкил этишга бевосита боғлиқ.

Ислом ҳуқуқида дунёнинг бу тарзда бўлиниши Куръон оятлари ёки ҳадислар билан тақсимот қилинмаган. Балки, факиҳлар томонидан урушларни олдини олиш ва уруш келиб чиқсан ҳолатда хавфиззликни таъминлаш

Аннотация. Мақолада ҳанафий мазҳабининг етук намоёндаси Мұхаммад Шайбоний асарларида тинчликни асрашга қаратилған тамойиллар ҳақида сүз боради. Мұхаммад Шайбоний асарлари ҳанафий уламолар наздига мазҳабнинг мұжтабар мәнбалари сифатида зерттироф этилади. Айниқса, олимнинг “ас-Сияр ал-кабир” асари уруши таңблар шароитида түрли дин вакиллари ўртасида юзага келүвчи халқаро мұносабаттарни тартибга солишига қаратылғани билан ажералиб туради.

Маълумки, ислом ўз моҳиятига кўра тинчлик динидир. Уинсонларни тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида бор куч-гайратини сафрлашига, түрли фитна ва ўзаро адватга барҳам беришга чақиради. Зоро, тинчлик ислом динининг асосини ташкил этиади. Аммо бугунги кунда мутаассиб оқим вакиллари оят ва ҳадисларда көлтирилған уруши таңблар шароитида түрли дин вакиллари оят ва ҳадисларда көлтирилған ҳақида келганд қоидаларни нотўғри талқин этиб, ислом динини уруши таңбларни сифатида тасвирилашига интилмоқдалар.

Мақолада ҳанафий мазҳаби етук олимларининг ислом динига тинчликни асраш борасидаги қараашлари баён этилган. Шунингдек, уруши таңблар шароитида оят ва ҳадисларда көлтирилған қоидаларнинг моҳияти очиб берилган. Айниқса, ҳозирда радикал шахслар томонидан асл моҳияти бузуб талқин этишига ҳаракат қилинаётган “жиход” тушунчасининг моҳияти ҳақида ислом олимларининг фикрлари көлтирилган.

Калим сўзлар: Ислом халқаро ҳуқуқи, сунна, ҳанафийлик фикъи, халқаро мұносабаттар, халқаро шартнома, жиход, “As-Siyar al-kabir”, ҳудуд, “дор ал-ислом”, “дор ал-харб”, “дор ал-аҳд”, элчиларнинг дахлсизлиги.

Abstract. The article talks about the principles aimed at preserving peace in the works of Muhammad Shaibani, a prominent representative of the Hanafi school. Muhammad Shaybani's works are recognized by Hanafi scholars as authoritative sources of the maddhab. The scholar's work "al-Siyar al-Kabir" is especially distinguished by its focus on the regulation of international relations between representatives of different religions in war and peace.

As you know, Islam is essentially a religion of peace. It calls on people to put all their efforts in the way of ensuring peace and stability, to put an end to various conspiracies and mutual enmity. After all, peace is the basis of Islam. But today, the representatives of the bigoted movements are trying to describe the religion of Islam as a religion of war by misinterpreting the rules of war and peace contained in the verses and hadiths.

The article describes the views of scholars of the Hanafi maddhab on the preservation of peace in Islam. Also, the essence of the rules given in the verses and hadiths in matters of war and peace is revealed. In particular, the opinions of Islamic scholars about the essence of the concept of "jihad", which radical individuals are trying to distort its original meaning, are presented.

Keywords: International Islamic law, Sunnah, Hanafi fiqh, international relations, international agreement, jihad, “as-Siyar al-Kabir”, territory, “Dar ul-Islam”, “Dar ul-harb”, “Dar ul -ahd”, inviolability of ambassadors.

Аннотация. Статья посвящена принципам сохранения мира в творчестве Мухаммада Шайбани, известного представителя ханафитской школы, труды которого признаны ханафитскими учеными авторитетными источниками. Трудченого “Ас-Силярль-кабир” посвящен регулированию международных отношений между представителями разных религий в условиях войны и мира.

Как известно, ислам по своей сути является религией мира. Он призывает людей приложить все усилия на пути обеспечения мира и стабильности, положить конец разного рода заговорам и взаимной вражде. Ведь мир – это основа ислама. Но сегодня представители фанатичного толка пытаются охарактеризовать религию ислам как религию войны, неверно истолковывая правила войны и мира, содержащиеся в аятах и хадисах.

В статье описываются взгляды авторитетных ученых ханафитского мазхаба на вопросы сохранения мира в исламе. Также раскрывается суть приведенных в аятах и хадисах правил в вопросах войны и мира. В частности, представлены мнения исламоведов о сущности понятия «джихад», при помощи которого радикальные личности пытаются исказить его первоначальный смысл.

Ключевые слова: Международное исламское право, сунна, ханафитский фикх, международные отношения, международное соглашение, жихад, “ас-Силярль-кабир”, территория, “Дар аль-ислам”, “Дар аль-харб”, “Дар аль-аҳд”, неприкосновенность послов.

мақсадида кейинчалик таснифланған. Ўз даврида фақиҳлар ишлаб чиқиб, такомиллаштирган бу қоидалар бугунги замонда ҳам халқаро ҳуқук бүйича мутахассислар томонидан уруш ва низоли вазиятларда давлатларни гурухлаштириши таснифига яқын туради. Унга кўра:

- биринчи гурух, урушаётган томонлар, хусусан, урушда қатнашган давлатлар;
- иккинчи гурух, жанг қилмайдиганлар ва бетарафлар ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг бошқа барча аъзолари киради (А.Сайдов, 2001).

Ханафий мазҳабининг ғоявий раҳнамоларидан саналган Мұхаммад ибн Ҳасан Шайбоний ўз асарларида ўн уч аср илгари тасниф этган қоидалар ҳам мусулмонларнинг ўзга дин вакилларига бўлган муносабатлари ҳамда улар билан уруш ва тинчлик даврида биргалиқда ҳаёт кечиришига қаратилган. Шу билан бирга, динлар ва миллатлараро келишмовчилик ва низоли вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатда урушларнинг олдини олиш, мободо, уруш кузатиладиган бўлса, уни тартибга солиш ҳамда турли ваҳшийликлардан сақланиш масалалари ҳам Мұхаммад Шайбоний асарларида ўз аксини топган (Сарахсий, 1997).

Аслида, хеч бир дин уруш тарафдори эмас аксинча, барча динлар тинчлик тарафдори, бу масалада ислом дини энг олдинги ўринда туради, дейилса муболага бўлмайди. Хусусан, ислом динининг бош манбаси бўлмиш Куръони каримнинг “Анфол” сураси 61-оятида мусулмонларнинг урушни олдини олиш ва сулҳни қабул қилишга даъват этилган. Шунингдек, Куръони каримда диний жамоалар, халқлар элатлар ўртасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқариш, кескинлаштириши мақсадида бузғунчилик билан шуғулланиш, жамоалар, халқларнинг бири устидан иккинчиси ҳукумронлигини ўрнатиши, бир-бирларига зулм ўтказиши, тинч-тотувлик туйғусидаги келишувларга риоя қиласлик қораланади (Абдулазиз Мансур, 2016). Ўз навбатида, бундай ҳатти-ҳаракатлар оғир жиноят ҳисобланади. Уларни содир қилган кишилар дунёда ва у охиратда жавобгарликка тортилиши қайд этилади.

Масаланинг яна бир жиҳати Макка даврида нозил бўлган оятларнинг бирортасида ҳам мусулмонларга ўзгалар билан урушиш ёки жанг маъносида низолашувга рухсат берилмаган. Аксинча, ҳар қандай ҳолатда ҳам мусулмонларга қарши чиққан ва азоб берганларга чиройли сўзлар билан жавоб бериш тавсия қилинган.

Душманликни бошлаган тараф мусулмонлар бўлмаса-да, Қуръони карим уларни сабрли бўлишга чақирган. Шунингдек, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш, урушдан тийилиш, ваъз-насиҳат билан душманга қарши “маънавий жиҳод” олиб боришни мусулмонларга тавсия қилган. Қолаверса, Макка даврида жиҳод тушунчаси тилга олинган оятларнинг ҳеч бирида жиҳод куролли кураш маъносида ишлатилмаган.

МУҲОКАМА

Қурол билан жанг қилиш мазмунида нозил бўлган оятлар Мадина даври билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат ҳам вазият тақозоси ва шароитининг талабидир. Яъни, мусулмонлар қўлига қурол олиб жанг қилмаса, муқаррар душман хатари уларнинг тинчлигига раҳна солиш эҳтимоли мавжуд эди. Шунда ҳам Қуръон мусулмонларнинг кимга қарши куролли кураш олиб бориши мумкин эканини белгилаб берган. Унга кўра, мусулмонлар ўзлари билан урушганлар ҳужумини даф этиш мақсадида жанг қилишлари мумкин. Ноҳақ ҳужум қилиш ва тажовузкорликдан эса қайтарилган. Шунингдек, куролли кураш қувғин ва таъкибга учраган заиф одамларни ҳимоя қилиш, келишувларни бузиш орқали хавфсиз муҳит ва эҳтимолий хавфни юзага келтиришнинг олдини олиш каби сабабларга кўра ҳам қонуний деб топилиши назарда тутилган.

Шундай бўлсада, бугунги кунда фикҳда кўрсатилган уруш билан боғлиқ қоидаларни нотўғри талқин қилиш ёки Пайғамбар (а.с.) даврида бўлиб ўтган урушларни нохолис баҳолаш ҳаолатлари ҳам кузатилади. Айниқса, Фарб жамиятида исломофобияни ривожлантириш мақсадида “ислом қиличлар соясида тарқалган”, “ислом террор дини” каби асоссиз маълумотлар тарқатилади. Жумладан, АҚШлик ёзувчи Роберт Спенсер (1962) фикрига кўра, “жиҳод ғояси остида курашаётган террорчи гурухлар исломнинг моҳиятини бузиб кўрсатмайди, балки ислом динининг асли ўзи шундай”. Р.Спенсер ўз асарларида куйидагича ғояларни асослашга интилган:

Мұхаммад пайғамбар ўз издошларига тинчлик ва бағрикенгликни ўргатмаган, балки душманларини ўлдиришга буйруқ берган, жиҳоддан яхшироқ ва муқаддасроқ нарса йўқлигини таълим берган;

Қуръон мусулмонларни яхудий ва насронийларга карши мунтазам уруш қилишга буюради;

Мұхаммад пайғамбар даврида мусулмонлар олиб борган урушлар мудофаа әмас, балки ҳужумкор бўлиб, бугунги кунда “Ислом олами” деб аталадиган худудлар бир катор мусулмон бўлмаган ҳалқлар яшайдиган ерларни шафқатсизларча босиб олиниши натижасида вужудга келган, каби провакацион фикрлар илгари сурилган (R.Spencer, 2005).

Шунингдек, у исломофобияга йўналтирилган “Мұхаммад уруш пайғамбари”, “Қуръон уруш китоби”, “Ислом уруш дини”, “Ислом муросасизлик дини”, “Жиҳод тарихи: Мұхаммаддан ИШИДгача” каби асарларнинг ҳам муаллифи саналади.

Бу каби ҳолатнинг келиб чиқишига Яқин Шарқ давлатларида кузатилган уруш жанжаллар, террорчи гурухларнинг ўз жиной ҳаракатларини ислом номи билан амалга оширгани сабаб бўлган. Шу билан бирга, айrim мутаассиб шахслар томонидан Мұхаммад (с.а.в.) даврида юз берган уруш билан боғлиқ ҳолатларга нохолис баҳо бериш ва Қуръонда келган уруш ҳақидаги оятларни бир ёклама талқин қилиш, “жиҳод исломнинг олтинчи аркони”, деган ёлғон маълумотларни тарқатиш ҳамда амалиётда қўллашга интилиш ҳам муайян маънода шу каби тушунчаларнинг тарқалишига туртки бўлган. Бу каби ҳолатларга чек қўйиш учун, албатта, асл фиқҳий манбаларга мурожаат қилиш, ислом илмларини холисона ўрганиш ва инсонларнинг диний-маърифий соҳадаги қарашларини тўғри шакллантириш талаб этилади.

Бугунги кунда Ғарб мутаассислари томонидан ислом ҳуқуқи ҳалқаро муносабатларига доир қоидаларни объектив тадқиқ этиш, ислом фиқҳи ва муатаассиб гурухлар талқинидаги диний қоидаларни бир-биридан алоҳида ўрганиш ҳолатлари ҳам кузитилмоқда. Жумладан, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган террорчилик амалиётидан сўнг америкалик профессор Яқин Шарқ ва диниунослик фанлари бўйича мутаассис Жон Эспозито “Unholy War: Terror in the Name of Islam” (Муқаддас бўлмаган уруш. Ислом номидан террор) деб номланган асарини нашр этди. Унда террорчи гурухлар талқинидаги жиҳод ҳаракатларидан фарқли тарзда ислом ҳуқуқидаги уруш анъаналарининг шаклланиши аниқ тарихий ва сиёсий шароитларда содир бўлганини таъкидлаган.

Профессор Ж.Эспозитонинг таъкидлашича, ислом тарихида уруш билан боғлиқ меъёрларнинг шаклланиши ва моҳиятини ҳисобга олмаслик

ҳамда урушларни тарихнинг муайян даврлари ва у пайдо бўлган ҳалқаро муносабатлар парадигмаси билан боғламаслик гўёки, ислом дини урушни оқлади, деган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин (Esposito, 2014). Хусусан, баъзи ғарблик мутаассислар томонидан мусулмонлар билан тузилган келишувга хиёнат қилгани учун Бану Қурайза қабиласига нисбатан ислом дини қўллаган ҳукмни адолатсизлик, ҳаттоки, геноцид сифатида баҳолайдиганлар ҳам кузатилади. Лекин Бану Қурайза қабиласининг кескин ҳукм қилиниши билан боғлиқ масалага баҳо беришдан олдин ўша вазият ҳақида объектив ўрганиш зарур бўлади.

Ислом тарихидан маълумки, Мұхаммад (а.с.) “Хандак жанг”да мусулмонларга хоинлик қилгани ва душманларни қўллаб-қувватлагани учун 627 йилнинг апрел ойида Бану Қурайза қабиласини ўз қалъаларида икки ҳафтадан ортиқ қамал қилди. Ниҳоят, қабила қамалдан чиқиша сулҳ тузишга мажбур бўлди. Шу мақсадда, Бану Қурайза вакиллари қурайзаликлар билан илгари аҳдлашган Авс қабиласининг улуғларидан бўлган Саъд ибн Муозни ҳакамлик қилишини талаб этишиди (Мовардий, 1994). Саъд Ибн Муоз эса Бану қурайзалик барча маҳкумларни (жанг қилишга қодир бўлган эркакларни) ўлдиришга буюрди.

Манбаларда бу фармон натижасида қатл этилган эркакларнинг адади турлича, яъни 200–800 нафар атрофида, деб келтирилади (Ҳишом, 1993). Эътиборли жиҳати шундаки, бу ҳукмга қабила вакиллари томонидан адолатсизлик сифатида қаршилик кўрсатилмаган (Armstrong, 2006). Мутаассислар бунга асосий сабаб сифатида мазкур ҳукм Бану Қурайзанинг диний қоидаларига мувофиқ белгиланганини таъкидлашган (Hammidulloh, 1968).

Ислом ҳуқуқида ҳалқаро муносабатларга кўра уруш олиб боришининг асосий сабаби эътиқодий тафовут әмас, яъни шахс бошқа динга мансуб бўлгани учун у билан жанг олиб бориш талаб этилмайди. Балки уруш олиб боришининг асосий омили душманнинг тажовузидир. Фақиҳлар бунга далил сифатида Мұхаммад (с.а.в.) томонидан айтилган урушда дахлсизлик мақомини олган беш тоифа вакиллари ҳақидаги ҳадисини келтиришади (ал-Байҳақий, 1994). Унга кўра, аёллар, болалар, кексалар, руҳонийлар ва осиғлар, яъни урушга мажбуран ёлланган кўр, кар ва бошқа ногиронлиги бўлган кишилар ўзга дин вакили бўлсаларда, улар билан урушмайди ҳамда ўлдирилмайди.

Бундан ташқари, фақиҳлар уруш нишонига айланмайдиган тоифаларни қиёс методологияси асосида кенгайтирганлар. Яńни жанг олиб бориш мумкин бўлган томонлар аниқлаштирилиб, бу тоифага кирмайдиганларга қурол билан таҳдид қилинмайди, деганлар (Довуди, 2011).

Аслида, ислом ҳуқуқида, хусусан, ҳанадийлик мазҳабига кўра, уруш ҳолатини келтириб чиқариш, ўзгаларни жонига қасд қилиш, жанг аносида ҳам аёллар ва болаларга қурол ўқталишдан қайтарилиган. Фақиҳлар бу ҳакида Мұхаммад (с.а.в)дан ривоят қилинган ҳадисга мувофиқ беш тоифа вакиллари, аёллар, болалар, кексалар, руҳонийлар ва осифларни ўлдирилмасликка иттифоқ қилишган (Байҳақий, 1994).

Хусусан, “ас-Сияр ал-кабир”да келтирилишича, урушда факат жангчилар билан жанг қилинади, аёллар, болалар, руҳонийлар, қариялар, ақли заифлар, дәхқонлар, қуллар, кўрлар ва бошқа ҳарбий бўлмаганлар урушда ўлдирилмайди. Мұхаммад Шайбонийнинг қарашларига кўра, аёл киши қурол билан ҳужум қиласына, мусулмон аскар ўзини ҳимоя қилиш мақсадида унга зарар етказиши мумкин. Агар аёлни қуролсизлантириш имкони бўлса, унга зарар етказиш ҳам мумкин эмас (Шайбоний, 1997).

Бундан ташқари, Мұхаммад Шайбоний аёллар одатда аскарлар сафида урушга чиқмаслиги, душман сифатида бостириб келмаслигини хисобга олиб, улар ўлдирилмайди, деб хулоса берган. У ўз фикрига Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги “Сизларга қарши жанг қилганлар билан Аллоҳ йўлида жанг қилинглар” (190-оят) оятини далил сифатида келтиради (Шайбоний, 1997).

Бу масалада фақиҳларнинг қарашлари хар хил. Хусусан, моликий мазҳаби фақиҳларидан бўлган Аҳмад Қарофий (ваф.684/1285) душманлар томонидан бўлган аёл мусулмон аскарини тош билан уриб ўлдириб қўйса, аёлни ҳам қатл қилиш мумкин, деган фикрни билдирган (Қарофи, 1994). Бошқа фақиҳлар ҳам жанглар аносида аёллар билан боғлиқ фиқҳий ҳолатлар бўйича ўз фикрларини билдиришган. Хусусан, Ибн Кудома “аннаҳо ло туқотил” (улар урушмайдилар), яńни урушувчилар тоифасига кирмайди ва шу сабабли ҳам улар ўлдирилмайди, деб изоҳлайди (Кулома, 1928). Имом Ғаззолий эса аёллар жанг аҳли эмас ва улар жангга ярамайди, деб айтиб ўтган (Ғаззолий, 1997).

Бироқ, Имом Шофеий (ваф.204/820) ва Ибн Ҳазм (ваф.456/1064) томонидан қўллаб-куватланган фикрга кўра душман томонида туриб жангда қатнашган аёллар жизя тўлашдан бош торса, улар ҳам ўлдирилиши мумкин. Аммо, Шофеъийнинг қўшимча қилишича, ибодат билан машғул бўлган ва уруш харакатларида иштирок этмаган руҳонийларни нишонга олиш жоиз эмас. Ибн Ҳазм эса жангларда аёллар ва болаларнинг дахлсиз эканини таъкидласада, бошқа тоифаларнинг дахлсизлик ҳуқуқига доир барча ҳадисларнинг саҳиҳлигини кабул қилмаган.

Болаларнинг жангларда иштирокига тўхтатланган фақиҳлар ёш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Унга кўра, фақиҳлар болаларга нисбатан дахлсизлик ҳуқуқининг ёш чегараси 15 ёш деб ҳисобалашган. Бунга Мұхаммад (а.с.)нинг Бадр жангидаги 14 ёшга тўлган бола жангда иштирок этиш учун келганида қабул қилмаганларини далил сифатида келтиришади (Шайбоний, 1997). Эътиборли жиҳати, дахлсизлик ёши масаласидаги фақиҳларнинг тўхтами замонавий ҳалқаро ҳуқуқда белгиланган ёш чегараси билан ҳамоҳанг келади. Уруш билан боғлиқ ҳалқаро гуманитар қоидалар ўз ифодасини топган 1977 йил 8 июндан Женева конвенциясининг I қўшимча протоколида болаларни ҳимоя қилиш учун белгиланган ёш чегарасининг энг кам миқдори 15 ёш деб кўрсатиб ўтилган (Protocol Additional to the Geneva Conventions, and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1977, 1949).

Аёллар ва болаларнинг дахлсизлиги борасида фикр билдирган фақиҳлар агар аёл киши урушда жангчи сифатида иштирок этса, унга нисбатан қурол ишлатиш мумкин экани ҳакида айтиб ўтганлар. Бунга далил сифатида “Хунайн жанги”да (8/630) мусулмонлардан бўлган аскар аёл кишини қатл қилгани учун Мұхаммад (а.с.) томонидан сўрока тутилганида, аёл қиличдан фойдаланиб, унга ҳужум қилмоқчи бўлгани ўлдиришга сабаб сифатида келтирилган. Шундай бўлсада, Мұхаммад Шайбонийнинг “ас-Сияр ал-кабир”да келтирган фикрига кўра аёлни зарарсизлантириш имкони бўлса, ўлдирмаслик керак дейилади (Шайбоний, 1997).

Бундан ташқари, урушда дахлсиз ҳисобланувчи тоифалардан бири – кексалар ҳакида ҳам фақиҳлар орасида фикрлар турличадир. Аввало, неча ёш оралиғидаги шахслар кекса дейилади, деган масала бўйича фақиҳлар ўртасида ихтилофлар кўзга ташланади. Мұхаммад

НАТИЖА

Шайбоний асарларида бу борада аниқ ёш илгари суримаган бўлсада, айрим фақиҳлар кекса дейиш учун муайян ёшни белгилаганлар. Жумладан, шофеий мазҳабининг фақиҳларидан бўлган имом Санъоний (1099/1688–1182/1768) шахсни кекса деб аташ учун у камида 50 ёшга тўлган бўлиши керак, деган фикрни илгари сурган. Лекин умумий қараш сифатида шахснинг урушда дахлсиз деб топилиши учун у қурол кўтаришга ярамайдиган даражада кексалик ҳолатида бўлиши ва албатта, уруш жараёнларида иштирок этмаслиги шарт қилинади.

Хусусан, Мухаммад Шайбоний ҳам бу фикрни қувватлаган (Шайбоний, 1997). Шунга қарамай ҳанафийлардан фарқли тарзда Имом Шофеий ва Ибн Ҳазм агар кексалар жизя тўлашга рози бўлмасалар ўлдириш мумкин, деган фикрни таъкидлаган (Шофеий, 1962). Ҳанбалий мазҳаби вакилларидан саналган имом Шавконий (1173/1759–1255/1839) эса қарияларнинг дахлсизлик ҳуқуқи душман қўшинини қўллаб-қувватлаганда ҳам сақланиб колади, деган тўхтамга келган (Шавконий, 1952). У Муҳаммад (а.с.)нинг урушда дахлсиз бўлган беш тоифа ҳакидаги ҳадисига таянган. Кўпчилик фақиҳлар эса 100 ёшдан ошган бўлсада, “Хунайн жанги”да (8/630) иштирок этган Дурайд ибн Умманинг мусулмонлар томонидан ўлдирилгани жанг ҳаракатларида қатнашган кексалардан дахлсизлик ҳуқуқи олиб ташланишига далил сифатида келтирганлар (Давудий, 2011). Қариялар масаласида умумий фикр шуки, агар кекса ёшдаги кимса уруш ҳаракатларида иштирок этса, унда дахлсизлик ҳуқуқи мавжуд бўлмайди.

Муҳаммад Шайбонийнинг “ас-Сияр ал-кабир” асарида уруш ва низоли вазиятларда ўзини дин хизматига бағишлигаран роҳиблар ва зоҳидлар ҳам дахлсиз хисобланиши ҳамда уларга нисбатан қурол кўтарилимаслигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Аммо баъзилар ўзга динга эътиқод қилувчи ва шуни тарғиб қилувчи роҳиблар одамларни ислом динидан адаштиради. Шу сабабли улар дахлсиз эмас, деган фикрни айтиб ўтишган. Имом Муҳаммад эса бу масалага тўхталиб, “роҳиблар инсонларни тўғри йўлдан адаштиришга воситачи” деган сўзлар улар жанг олиб бормаса ҳам ўлдириш керак эканини англатмайди. Дин ва эътиқод масаласини Аллоҳнинг ўзи ҳисоб-китоб қиласи, энг асосийси, зулмдан сақланиш керак, дея таъкидлаган (Шайбоний, 1997).

Имом Муҳаммад ўз фикрларини Пайғамбар (а.с.)нинг ҳадислари, шунингдек, халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Язид ибн Абу Суфённи қўшинга бошлиқ этиб жангга кузатиш олдидан берган ўнта насиҳатида руҳонийларни ўлдирмаслик ҳакидаги кўрсатмалари билан асослайди. Шундай бўлсада, аксарият фақиҳлар агар руҳоний ибодатхонани тарқ этиб, жангда иштирок этиш учун чиқса, унинг дахлсизлик ҳуқуқи тугатилишига шубҳа қилмаганлар.

Фақиҳлар томонидан уруш билан боғлиқ масалаларда ҳунарманд, савдогар, дехқон ва чорвадорлар каби ўз қасб-кори билан машғул бўлган тоифаларга ҳам қурол билан таҳдид қилмаслик, уларнинг жонига омонлик бериш борасида фикрлар билдирилган. Бу масалада фақиҳлар Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари ҳамда кейинги ҳалифаларининг бу борада тутган йўлларини асос қилиб келтирганлар (Khadduri, 2008). Жумладан, халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) аскарларни жангга юбориш олдидан аскарбошиларга дехқонларни нишонга олишни таъкиловчи кўрсатмалар бергани Ибн Рушдининг “Бидоя ал-мужтаҳид” асарида ривоят қилинган.

Унда келтирилишича, Умар ибн Хаттоб (р.а.) аскарларга қаратса, “Ўлжадан ўғирламанг! хиёнат қилманг, болаларни ўлдирманг ва дехқонлар борасида Аллоҳдан қўрқинглар ва сизларга қарши уруш қилмагунча уларни ўлдирманглар», дея таъкидлаган (Ибн Рушд, 1982). Эътиборлиси шундаки, Умар (р.а.) дехқонларни нишонга олиш таъкиланганини билдириш учун “Аллоҳдан қўрқинглар” ибораси билан аскарларга дехқонларни нишонга олиш зулм эканини эслатган.

Уруш масаласида фикр билдириган фақиҳлар инсонийликка оид яна бир ҳолатга тўхталиб ўтишган. Маълумки, яқин ўтмишда Марказий Осиёда ҳаракатланган айрим экстремистик ва террорчи гуруҳлар томонидан ўз яқинлари, акукаларига нисбатан ҳам уруш эълон қилишга даъват этган ҳолатлари кузатилди. Ислом ҳуқуқида эса яқин қариндошлар жангнинг қарама-қарши томонида бўлсалар, мусулмон шахснинг бевосита ўз яқинлари билан жанг қилмаслиги мақсадга мувофиқ, деб топилади. Жумладан, фақиҳлар жанг пайтида мусулмонларнинг душман томонида жанг қилаётган қариндошларини нишонга олишини ёқтирганлар, чунки Муҳаммад (с.а.в.) Абу Бакр (р.а.)ни рақиб томонда туриб жанг қилаётган ўз ўғлини нишонга олишдан қайтарган эдилар.

Ислом ҳуқуқида жангда ўлдирилган душман жасадини қиймалаш ёки жасадга нисбатан қандайдир ҳақоратли ҳолатларни амалга оширишдан қайтарилади. Маълумки, Ухуд жангида (3/625) кўплаб мусулмонларнинг жасадлари, жумладан, Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмуталлибининг (568-625) ҳам жасади даҳшатли даражада қиймаланган эди. Шунинг учун мусулмонлар ҳам агар имконият бўлса, бу ҳолатга жавобан душманларнинг жасадларини майдалаб, қиймалашга ваъда беришганди. Бироқ, Қуръон қаримнинг Наҳл сурасидаги “Агар интиқом олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз! Агар (интиқом олмай) сабр қилсангиз, албатта, бу сабр қилувчи кишилар учун яхшироқдир” (Наҳл сураси, 126-оят) ояти нозил бўлгач Муҳаммад (с.а.в.) мусулмонларни душман жасадига озор беришдан қайтардилар.

Хусусан, Пайғамбар (с.а.в.) урушга оид кўрсатмаларида: “Хоинлик қилманлар ва ўлдирилган жасадни чопманлар” (Анас, 1991) деб насиҳат қилганлар. Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб ҳам худди шундай кўрсатмаларни ўз қўшинларига берганди. Жумладан, Абу Бакр Яманинг Ҳазрамаут шахридаги волийларидан бирига “Жасадни чопишдан эҳтиёт бўлинглар, чунки бу гуноҳ ва жирканч ишдир”, деб ёзган эди (Шайбоний, 1997).

Қолаверса, ислом ҳуқуқида инсон эмас, ҳатто, ҳайвонларни ҳам қийноққа солиш ва азоблаб ўлдиришдан қайтарилган. Жумладан, Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда қўйини ерга ётқизиб, оёғини унинг юзига қўйиб олиб, пичоғини ўткирлаётган кишини кўрган Муҳаммад (а.с.) уни бу ишдан қайтариб: “Шу ишни сўйишдан олдин қилсанг бўлмайдими? Уни икки марта ўлдиришни хоҳлайсанми?!”, деганлар (Қаҳел).

Ҳадисларда келтирилган мана шундай очик кўрсатмаларга асосланиб, кўпчилик фақиҳлар жангларда инсонни азоблаш ва қийноққа солишни қатъий таъқиқлаганлар. Шунингдек, “ас-Сияр ал-қабир” асарида “Мевали дарахтларни кесма, хурмоларни ёқма, токларни чопма..,мол, қўйлар ва бошқа ҳайвонларни ейишдан бошқа нарса учун сўйманлар”, деган кўрсатмалар ҳам бор ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Абу Бакр (р.а.)нинг “Бузғунчилик қилманг, фасод ишларга қўл урманг”, деган сўзларини ҳам келтиради (Сарахсий, 1997). Уруш ва низоли вазиятларда дарахтларни кесмаслик ва жонзорларни бехудага

сўймаслик ҳақида кўрсатма берган фақиҳлар душман бўлса ҳам унга инсонга хос муносабатда бўлишни талаб килган.

Хусусан, фақиҳлар томонидан жангда ўлдирилган душман танасини кесиш қораланган (Al-Shawkānī, 1952). Бироқ, кесилган танани ғалаба белгиси сифатида бошқа ҳудудга олиб боришини тақиқлаганлар. Хусусан, бу ишни қоралаган Муҳаммад Шайбоний ўз фикрининг далили сифатида халифа Абу Бакр даврида Рим империяси таркибида бўлган Сурия қўшинлари қўмондони Яннак Битриқнинг боши мусулмонлар томонидан кесиб халифа ҳузурига олиб келинганда бу ҳолатдан қаттиқ жаҳли чиққани ва суннатга хилоф ишдан қайтаргани келтирилди (Шайбоний, 1997). “Ас-Сияр ал-қабир”да келтирилган бу вазият жангда вафот этган инсон танасини кесиш ислом ҳуқуқида таъқиқланган амалиёт эканига кучли далил бўлиб хизмат қиласди.

ХУЛОСА

Ислом ҳуқуқига кўра, ҳарбий харакатлар тўхтатилгандан сўнг, душман жангчиларининг жасадлари агар улар талаб қилсалар, душманга топширилиши ёки мусулмонлар уларни дағн этишлари керак. Бир қанча ривоятларга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) жасадлар мусулмонларники ёки уларнинг душманини бўлишидан қатъи назар, ҳар доим ўликларни дағн қилишни таъминлаганлар.

Шунингдек, душманларнинг жасадларини топшириш эвазига бирор нарса талаб қилинмаслиги керак. Ҳандақ жангидаги Мадинаға бостириб келган Навфал ибн Абдуллоҳ от билан ҳандақдан сакраб ўтмоқчи бўлганида вафот этди. Мусулмонларга Навфалнинг жасадини эвазига пул таклиф қилинганида, Пайғамбар (с.а.в.) уларга ҳеч қандай эвазисиз топширган. Фақиҳлар уруш жараёнида шу каби суннатларга амал қилишни зарур деб билишган. Фақиҳларнинг бу позицияси биринчи Женева конвенциясининг (1949) 17-моддасига ҳам мос келади (Protocol Additional to the Geneva Conventions, and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1949).

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам “ас-Сияр ал-қабир” асарида уруш ва низоли вазиятларда инсонийлик жиҳатларга алоҳида эътибор берган. Жумладан, уруш ҳаракатларида иштирок этмаган тинч аҳоли вакилларига

тегмаслик, айниқса, аёллар, болалар, кексалар, рухонийлар каби тоифаларнинг дахлсизлига алоҳида урғу берганини кўриш мумкин (Сарахсий, 1997). Бу эса Мұхаммад Шайбоний ўз қарашлари билан замондан илгарилаб кетганига далолатдир. Чунки, бу қоидалар ҳозирги халқаро гуманитар ҳуқуқнинг ҳам мұхим масалаларидан бўлиб, XX асрга келибина ҳуқуқий ҳимоя остига олинди (А.Сайдов, 2001).

Юқоридаги келтирилган маълумотлар ислом ҳуқуқида, айниқса, ҳанафий мазҳабида уруш ва низоли вазиятлар билан боғлиқ масалалар жуда синчковлик билан тадқиқ этилгани ҳамда инсонпарварлик тамойилларининг устун эканидан далолат беради. Жумладан, фақихлар томонидан халқаро муносабатларга доир энг мўътабар асар, деб қараладиган “ас-Сияр ал-кабир”да уруш ҳаракатларида бевосита иштирок этмаётган ва ҳарбийларга ёрдам кўрсатмаётган тинч аҳолининг соғлиғига, ор-номусига, обўсига, қадр-қимматига, иззат-нафсига, руҳиятига, мол-мулкига, туарар-жойи ва шахсий дахлсизлигига тажовуз қилишнинг таъқиқланиши устувор жиҳат сифатида ажратиб кўрсатилган. Бу эса “ас-Сияр ал-кабир”да кўтарилган масалаларнинг долзарблиги бугунги кунда ҳам янада ортиб бораётганини кўрсатади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Protocol Additional to the Geneva Conventions , and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1977, Article 77. (12 August 1949 г.).
- al-Dowudi., A. (2011). The Islamic Law of War. New York: Macmillan.
- Al-Qarofī, A. i. (1994). Az-Zahira. Beyrut: Dor al-Garb al-Islām.
- Al-Qarofī, A. i.-3.-B.-G.-I.-B. (б.д.).
- al-Shāfi’ī. (1962). al-Umm. Bayrut: Dār al- Āfāq al-Jadīdah.
- Al-Shawkānī. (1952). Nayl al-Awṭār. Qohira: Muṣṭafā al-Bābī al-Ḥalabī.
- Anas, M. I. (1991). Muwaṭṭa. Bayrut: Mu’assasat al-Risāla.
- Armstrong, K. (2006). Muhammad: Prophet for Our Time. London: Harper Collins.
- Esposito, J. (2014). Unholy War. Terror in the name of Islam. Washington: Audible Studios.
- Hammīdullāh, M. (1968). Muslim Conduct of State: Being a Treatise on Siyar. Lahore: Muhammad Ashraf.
- Ibn Rushd, M. i. (1982). Bidāyah al-Mujtahid wa Nihāyah al-Muqtasid. Bayrut: Dār al-Fikr.
- Khadduri. (2008). War and Peace. Virginia : AMS Press.

- Qudāmah, I. (1928). Al-Mughnī . Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
- R.Spencer. (2005). The Political Incorrect Guide to Islam (and the Crusades). Washington: Regnery.
- Wikipedia. (б.д.). The Genocide of the Bani Qurayza. Получено из <https://exmuslim.org/genocide-of-the-bani-qurayza.html>.
- А.Сайдов. (2001). Халқаро ҳуқуқ. Тошкент: Адабиёт жамғармаси.
- ал-Байҳақий, А. и. (1994). Сунан ал-Байҳақий. Макка: Мактаба Дор ал-Боз.
- ал-Газзолий, М. (1997). Ал-Восит (T. 7). Қохира: Дор ас-салам.
- М. Шайбоний. (1997). Ac-Siyar al-kabir (T. 4). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
- Қаҳел., А. (б.д.). <http://www.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/14020-tabiatni-asrashga-oid-10-ta-iloji-k-rsatmalar>. Получено из Табиятни асрашга оид 10 та илоҳий қўреатмалар.
- Мансур, А. (2016). Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Тошкент ислом университети.
- Мовардий, А. (1994). Ал-Ҳавијол ал-кабиyr. Байрут: Дорул кутуб илмия.
- Сарахсий. (1997). Шарҳ ас-Сияр ал-кабир. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
- Тошқулов, Ж. (2021). Исломда халқаро муносабатларни тартибга солишининг ҳуқуқий асослари. Тошкент: Complex Print.
- Хишом, И. (1993). Ac-Sira ан-набавийа. Байрут: Muassasa ал-маъориф.

REFERENCES

- Protocol Additional to the Geneva Conventions, and Relating to the Protection of Victims of International Armed Conflicts (Protocol I), June 8, 1977, Article 77. (12 August 1949 g.).
- al-Dowudi., A. (2011). The Islamic Law of War. New York: Macmillan.
- Al-Qarofī, A. i. (1994). Az-Zahira. Beyrut: Dor al-Garb al-Islām.
- Al-Qarofī, A. i.-Z.-B.-G.-I.-B. (b.d.).
- al-Shāfi’ī. (1962). al-Umm. Beirut: Dār al- Āfāq al-Jadīdah.
- Al-Shawkānī. (1952). Nayl al-Awṭār. Cairo: Muṣṭafā al-Bābī al-Ḥalabī.
- Anas, M. I. (1991). Muwaṭṭa. Beirut: Mu’assasat al-Risāla.
- Armstrong, K. (2006). Muhammad: Prophet for Our Time. London: Harper Collins.
- Esposito, J. (2014). Unholy War. Terror in the name of Islam. Washington: Audible Studios.
- Hammīdullāh, M. (1968). Muslim Conduct of State: Being a Treatise on Siyar. Lahore: Muhammad Ashraf.
- Ibn Rushd, M. i. (1982). Bidāyah al-Mujtahid wa Nihāyah al-Muqtasid. Beirut: Dār al-Fikr.

12. Khadduri. (2008). War and Peacye. Virginia : AMS Press .
13. Qudāmah, I. (1928). Al-Mughnī . Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
14. R.Spencyer. (2005). The Political Incorrect Guide to Islam (and the Crusades). Washington: Regnery.
15. Wikipedia. (b.d.). The Genocide of the Bani Qurayza. Polucheno iz <https://exmuslim.org/genocide-of-the-bani-qurayza.html>.
16. Saidov. (2001). Xalqaro huquq. Tashkent: Adabiyot jamg‘armasi.
17. al-Bayhaqiy, A. i. (1994). Sunan al-Bayhaqiy. Makka: Maktaba Dor al-Boz.
18. al-G‘azzoliy, M. (1997). Al-Vosit (T. 7). Cairo: Dor as-salam.
19. Kahel, A. (b.d.). <http://www.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/14020-tabiatni-asrashga-oid-10-ta-ilohij-k-rsatmalar>. Polucheno iz Tabiatni asrashga oid 10 ta ilohiy ko‘rsatmalar.
20. Mansur, A. (2016). Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri. Toshkent: Toshkent islam universiteti.
21. Movardiy, A. (1994). Al-Haviyul al-kabiyr. Bayrut: Dorul kutub ilmiya.
22. Saraxsiy. (1997). Sharh as-Siyar al-kabir. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
23. Toshqulov, J. (2021). Islomda xalqaro munosabatlarni tartibga solishning huquqiy asoslari. Tashkent: Complex Print publishing house.
24. Hishom, I. (1993). As-Sira an-nabaviya. Beirut: Muassasa al-ma’orif.
25. M. Shayboniy. (1997). As-Siyar al-kabir (T. 4). Beirut: Dor al-kutub al-ilmiyya.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.